



КУН ТАРТИБИДА — ҲАЁТИЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 1 октябры кун Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнаомлигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бунинг самарасида вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев Ширин шаҳридаги минтақадаги энг йирик Сирдарё иссиқлик электр станциясида бўлди. Бу корхона Ўзбекистон энергия тизимининг марказий қисми истеъмолчиларини энергия билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади.

Умумий қуввати 3050 МВт бўлган 10 энергия блокдан иборат ушбу иссиқлик электр станциясида йилга 16,1 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Мазкур корхона 1972-1981 йилларда босқичма-босқич фойдаланишга топширилган бўлиб, маъжуд асбоб-ускуналар эскиргани ишлаб чиқариш қуввати пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабли бу ерда сўнгги йилларда мунтазам реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг «Сирдарё иссиқлик электр станциясидаги иккита энергоблокни тўлиқ модернизация қилиш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2014 йилнинг июль ойидан 2015 йилнинг март ойига қадар иккита энергоблок модернизация қилинди.

Шавкат Мирзиёев мутахассислар билан Сирдарё иссиқлик электр станцияси қувватини ошириш, ишлаб турган энергоблокларни модернизация қилиш масалаларини муҳокама қилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таннархини пасайтириш, станция ушкулларини таъмирлаш учун зарур ахтёр қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди. Истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш, электр энергияси ҳисобини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадвал жорий этишга алоҳида эътибор қaratилди.

Шавкат Мирзиёев вилоят марказидаги «Гулистон медтехника» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ҳам бўлди. Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, шу йилнинг 1 октябридан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган ушбу қўшма корхонани барпо этиш учун 7,3 миллион АҚШ доллари йўналтирилган.

Янги корхонада йилга 216 миллион дон шприц ва 26 миллион дон инфузия системаси ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотларни ички бозордан ташқари Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Қўшма корхонадаги 210 иш ўринининг ярмига касб-хўнаро коллежлари бeтирувчилари қабул қилинган, айниқса, эътиборлидир.

Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида ҳам таъминланган оилалар учун бунёд этилиши режалаштирилаётган

кўп қаватли замонавий уйлар лойиҳаси билан ҳам танишди. Бундай уй-жойларни жамоатчилик иштирокида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга имтиёзли кредит асосида адолатли равишда бeриш лозимлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз Президентини вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев вилоят пахта далаларида бўлиб, йиғим-терим ишларининг боришини кўздан кечирди. Гулистон тумани фермерлари билан ҳудудда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юқори унумли навларни экиш, соҳага замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Қишлоқ жойларда зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган яққа тартибдаги замонавий илҳам уй-жойлар қуриш лойиҳалари муҳокама этилди. Қисқа муддатларда бундай шинам, энергия тежайдиган кўп хонали уйларнинг барпо этилиши қишлоқларда кам таъминланган ва ёш оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш имконини бeриши алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашув аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган истиқболли бош режаларни татбиқ этиш асосида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди. Йиғим-терим ишлари, кузги экинларни экиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини гамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий иншоотларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги, саноат ва вилоят иқтисодиётининг бошқа соҳалари узлуқсиз ишлашини таъминлаш масалалари бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Гулистон тумани мисолида вилоятни иқтибобда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури қўриб чиқилди. Хусусан, яқин икки йилда ушбу туманда қарийб 900 та иш ўрни яратиш имконини бeрайдиган 11 та саноат корхонаси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ички бозорда сотиш билан бирга, ташқи бозорга чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев вилоят раҳбарлари ва фаолларини ҳукумат порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси манзилига ҳудуд аҳолисида кeлаётган мурожаатлар билан таништирди. Вилоят мутасаддиларига ушбу масалаларни кўриб чиқиш ва тезкор ҳал қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

■ 4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойига делегатлар сайланмоқда

Юртимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партия ҳам ушбу сайловда иштирок этиш истагини билдирди ва аниқ кунларда

сайловчиларнинг имзоларини йиғиш жараёни яқунланмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Президент сайлови номзод кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органи томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон

Халқ демократик партиясининг юқори органи унинг Қурултойи ҳисобланади. Шу кунларда партиянинг навбатдаги Қурултойига делегатлар сайлаш бўйича ҳудудий партия ташкилотларининг пленумлари ўтказилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

Демократик тамойиллар асосида

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон Республикаси округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқ туман, шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳарбий қисмлар командирларининг сайлов участкаларини тузиш тўғрисида округ сайлов комиссиясига топширилган тақдимномалари кўриб чиқилди. Шунга мувофиқ, округ ҳудудида 590 сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкаларининг тартиби рақами, чегараси, манзили кўрсатилган рўйхати тасдиқланди.

Тузилган сайлов участкаларини алоқа воситалари ва кўргазмалар қурулган, зарур адабиётлар, мабзот наشرларининг янги сонлари билан тўлиқ таъминлаш, сайловчиларга қўлай шароит яратиш вазифалари белгилаб олинди. Сайловларни миллий сайлов қончилиги асосида демократик тамойилларга мувофиқ ошқоралиқ, адолат ва демократик тамойиллар асосида ўтказишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Округ сайлов комиссиясига оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, мустақил журналистлар ва ижодий уюшмалардан аккредитациядан ўтказишни сўраб тушган мурожаатлар кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик ва сайлов жараёни ҳолисона ёритиб бeрилиши таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушунинг оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилиб, унда округ сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кўриладиган тайёргарлик масалалари ҳақида маълумот берилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда округ ҳудудида сайлов участкаларини тузиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Сайлов участкалари сайловчиларга қўлай тарзда тузилади

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга умкин қадар кўпроқ қўлайлик яратиш мақсадида тузилади, — деди округ сайлов комиссияси раиси Фармон Тошев. — Сайлов участкалари сайловга камида олтимиш кун қолганда тузилади. Овоз бeришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бeно ажратлади. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бeриш бeносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

Округ сайлов комиссияси Самарқанд вилоятидаги сайловчилар умумий сони 2 миллион 373 минг 738 нафарни ташкил этишини инобатга олиб, округ бўйича 1030 та сайлов участкаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур сайлов участкалари жойлашган манзил, унинг маркази ва чегаралари ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов жараёни ҳолисона ёритиб бeрилиши таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда комиссия ваколатига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу кун оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ҳам ўтказилди. Унда 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Фармон Тошев комиссиянинг навбатдаги мажлисида муҳокама этилган масалалар, Президент сайловида тайёргарликнинг бориши ҳақида атрафлича маълумот берди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ МУНОСАБАТ

Ёшлар таълим- тарбиясига бутун ҳаётимни бағишлайман

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг йўлаган байрам табригини ўқиб, эшитиб қалбим яна бир бор фахр-ифтихорга тўлди.

Байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ, «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотландим. Беҳад қувондим. Узоқ йиллар давомида қилган меҳнатларим, чеккан заҳматларим кўз ўнгимдан бир-бир ўтди.

Ўттиз беш йилдан бeён ўқувчиларга миллий мусиқа йўналиши бўйича дарс бeраман. Шунингдек, ёшларга мусиқа асбоблари ясашни ҳам ўргатаман. Шогирдларимнинг кўпчилиги Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида фаолият юритиб, кeлажак авлодини санъат сирларидан хабардор қилмоқда.

Кўпгина ўқувчиларим турли кўрик-танловларда мусиқа асбоблари ясаш бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Ўғлим Дониёр «Нафосат бўстони» танловида ўзи ясаган чолғу асбоблари билан қатнашиб, ғолиб бўлди.

Ўзим ҳам кейинги йилларда бу борадаги иланишларимни давом эттираяпман. Шогирдларим билан биргаликда йигирма беш номдаги чолғу асбобларини бeмалол ясай оламиз. Бир қанча халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этдик.

2012 йилда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси молиявий кўмағида бизга замонавий устaxonа қуриб берилди.

Шу кунгача унутилиб кетган тўртта миллий чолғу асбобларини топиб, тиклаб, халқимизга қайтардик. Бир сўз билан айтганда, уларга иккинчи ҳаёт бағишланди.

«Созлар сеҳри» деб номланган оилавий ансамблимиз билан мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирларида қатнашиб, санъатимизни намойиш этиб кeляпмиз.

Ўйлаб қарасам, ҳали қилган ишларимдан кўра, қилишим керак бўлган, улгурмаган юмушларим кўп экан. Камтарона меҳнатимга берилган давлат мукофоти менинг зимманга улкан масъулият юклайди. Халқимизни, ҳукуматимизни ишонтириб айтаманки, бундан кейин ҳам бор билим ва қучимни ёшлар таълим-тарбиясига бағишлайман.

Азатбай ОТАРБАЕВ,
«Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби,
Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси.



Суратда: ЎзДХП Чилонзор туман кенгашида имзо тўплаш жараёнидан лавҳа.

■ САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

ИМЗО ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИ ЯҚУНЛАНМОҚДА

Авал хабар берилганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини йиғиш давом этапти.

Эслатиб ўтамиз, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида бир фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намоёндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан

бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Қонунга кўра, сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исминини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган кун ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортнинг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатади.

► Давоми 2-бетда.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Президент сайловида
фаол ва муносиб иштирок этади.



Муҳаммад ҚОДИРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойига

делегатлар сайланмоқда

Кеча Фарғона вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳамда партиянинг Х Қурултойига Фарғона вилоят партия ташкилотидан делегатлар сайлаш тўғрисидаги масалалар атрофида муҳокама этилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши аъзолари, масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, туман, шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, фаоллар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон КЕТМОНОВ иштирок этди ва сўзга чиқди.

Партиянинг раҳбари мамлакатимизда сиёсий партиялар

учун яратиб берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол ва муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар ҳақида тўхталди.

— Алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказиладиган бу галги сайлов мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг

ўта масъулиятли пайтига тўғри келмоқда, — деди партия етакчиси. — Партиямиз ўзининг стратегик мақсадлари, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби халқ демократияси тамойиллари-га содиқ қолган ҳолда, Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ана шу ғоянинг тарғиботчиси сифатида фаол ҳаракат қилиши лозим.

Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари сайловга тайёргарлик жараёнида юксак фуқаролик масъулиятини намойён этиши, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратиши зарур бўлади.

— Бугун Фарғона вилоят партия ташкилоти қирқ мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Мингга яқин бошлангич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Биз партиямиздан кўрсатиладиган номзод-

Сайловга тайёргарлик жараёнида туман, шаҳар партия кенгашлари фаолларидан катта масъулият ва ташкилотчилик талаб этилади. Сайловчилар партиямиз дастурий мақсадларидан қанча кенг хабардор бўлса, Президентликка номзодимизга шунча кўпроқ ишонч билдирилади.

нинг сайловолди дастурига мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан

келиб чиқиб тақлифлар қилишимиз лозим, — деди ЎзХДП Учқўприк туман кенгаши раиси Замира Дарвешова. — Токи бу дастур халқчил, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бўлсин.

— Партиямиз ғоялари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда маҳаллий кенгашлар, бошлангич партия ташкилотларининг

Фарғона вилоят партия кенгаши пленуми тегишли қарорлар қабул қилди.

боғлиқ тарғибот тадбирлари-ни асосан маҳаллаларда, бошлангич партия ташкилотларида ўтказишимиз керак, деб ўйлайман.

Шунингдек, пленум иштирокчилари ваколатли вакил, қузатувчи ва ишончли вакиллари танлаш борасида ҳам қатор тақлиф ва тавсияларни билдиришди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Фарғона вилоят партия кенгаши

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги Қурултойига 7 нафар делегат сайланди.

Шунингдек, ташкилий масала ҳам қўриб чиқилди. Дилбархон Мамажонова Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш жараёни яқунланмоқда

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзосини йиғиш қонунга тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилмоқда. Шунингдек, жойларда имзо варақаларини тўлдириш тартиб-қоидалари сайловчиларга кенг тушунтирилмоқда.

— Сайловчилар имзосини тўплаш ишлари бознинг ҳудудда ҳам туман, шаҳар ва бошлангич партия ташкилотлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзоларидан иборат фаоллар кўмағида қизгин амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси Мехрож Дархоннов. — Бу жараёнда, шунингдек, Президент сайловининг мамлакатимиз тараққиёти ва эртанги кунини белгилашдаги аҳамияти кенг тушултириляпти, партиямиз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар бериляпти. Шу кунга қадар вилоятимизда 19 мингдан ортиқ имзо йиғилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар сайловчиларидан ҳозиргача 213 мингга яқин имзо тўпланди.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Иш ўринлари ташкил этиш масаласи

доимий эътиборда

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар бандлик дастури ижроси бўйича депутатлик назоратини кучайтиришга, шу масалада ташаббуслар билан чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мақсад режалаштирилган иш ўринлари ўз вақтида очи-лишига, барқарор бўлишига эришишдир.

Ангрен шаҳрида партия-миздан сайланган 7 нафар депутат фаолият юритади. ЎзХДП гуруҳи аҳоли бандли-гини таъминлаш масаласини ўз назоратида олган. Улар ҳудуддаги бошлангич ташки-лотлар билан мустақам ҳам-корликни йўлга қўйган ҳолда янги иш жойлари очиб, улар-нинг барқарорлигини таъмин-лаш жараёнида фаол қат-нашмоқда. Депутатлар томо-нидан аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, ҳудуд-ларда санаяти, хизмат кўрсати-иш билан боғлиқ масалалар атрафлича муҳокама қилинди.

Бирор ҳудудда маълум со-ҳада муаммо юзага келса, бун-дан одамлар зиён кўрса, унинг масъулияти биринчилардан бўлиб ўша ҳудуд аҳолиси ишонч билдирган депутатлар зиммасига тушади. Шундай экан, халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашлари сессиялари-нинг қарорларида масъулият билан ёндашилмоғи зарур, деб ўйлайман.

— Шаҳримизда 178 минг аҳоли истиқомат қилса, уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат, — дейди

Ангрен шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иж-тимоий муҳофаза қилиш мар-кази бош мутахассиси Йиги-тали Норалиев. — Шунинг учун йигит-қизларнинг имконияти ва қобилиятига қараб турли со-ҳаларга, ҳудудда талаб юқори бўлган касб-хунарларга йўнал-тириш яхши самара беради. 2016 йилда бандликни таъмин-лаш дастурига кўра, шаҳарда 5160 янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Жорий йил-нинг биринчи чорағида 1087 янги иш ўрни очилган. Улар-нинг асосий қисми санаяти, хиз-мат кўрсатиш ва сервис, алоқа ҳамда транспорт хизматлари-га тўғри келган. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик, хунар-мандчилик, қасаначилик тар-моқларида ҳам салмоқли иш ўринлари яратилмоқда.

Ташаббускор ёшларнинг бизнес ғоялари асосида микро-фирмалар ташкил этилиб, хизмат кўрсатиш соҳаси тако-милаштиб борапти. Нон, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда қандолатчилик цехларида асосан хотин-қиз-лар, касб-хунар коллежлари битирувчилари фаолият олиб бормоқда.

— Ўзбекистон ХДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжал-ланган Ҳаракат дастурида оилавий тадбиркорлик, қасана-чилик ва хунармандчиликни ри-вожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди Ангрен шаҳар партия кенгаши раиси, шаҳар

Кенгаши депутати Илхом Абдуқаюмов. — Шундан ке-либ чиқиб, мазкур масала сес-сияда қизгин муҳокама этил-ди. Бандликни таъминлаш, иш ўринлари очиб бўйича турли тақлифлар билдирилиб, сессия қарори қабул қилинди.

Унга кўра, доимий ишлов-чи шаҳар ишчи комиссияси, давлат солиқ инспекцияси, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси шаҳар бўлими, шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда тижорат банк-лари раҳбарлари олдида аниқ вазифалар қўйилди. Санаят, хизмат кўрсатиш, сервис со-ҳасини ривожлантириш, инвестициялар, тайёр маҳсу-лотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлашти-риш, муҳим иш ўринлари яра-тиш, сессия қарори ижроси юзасидан мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш маса-лалари алоҳида қайд этилган.

Айни пайтда бу йўналиш-даги ишларни янада кучайти-риб, сессия қарори ижроси бўйича депутатлик назорати-ни изчил амалга оширишга эътибор қаратилмоқда. Элек-торат манфаатларини самара-ли ҳимоя қилишда бу энг асо-сий омиллардан бири ҳисоб-ланади. Чунки сессия қарори ижроси таъминлини аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши-да, ҳудуднинг ижтимоий-иқти-содий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯ- СИНИНГ

онлайн мажлиси

Ўзбекистон Республика-си Президенти сайлови-ни ёритиш бўйича Респуб-лика матбуот марказида Марказий сайлов комис-сиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференца-лоқа шаклида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи ок-руг сайлов комиссиялари-нинг аъзолари, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва оммавий ах-борот воситалари вакил-лари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдурамонов олиб борган мажлисда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови-ни ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш, шунингдек, сайловга тайёр-гарлик қўриш билан боғлиқ бошқа масалалар қўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Прези-денти сайлови тўғрисида»ги қонун-нинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзе-бекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузу-рида сайлов участкалари Ўзбекис-тон Республикаси Ташқи ишлар ва-зирлигининг тақдимномасига бино-ан Марказий сайлов комиссияси то-монидан тузилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Рес-публикаси Ташқи ишлар вазирлиги-нинг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхона-лари ҳузурида сайлов участкалари тузиш тўғрисидаги тақдимнома-сини қўриб чиқиб, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхона-лари ҳузурида Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти сайловини ўтка-зувчи 44 сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сай-лов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда сиёсий партиялар томонидан тақдим этил-ган имзо варақалари тўғри тўлди-рилганлигини текшириш бўйича Мар-казий сайлов комиссияси ҳузурида ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда 2-Андижон ва 12-Хо-разм округ сайлов комиссиялари ра-исларининг Ўзбекистон Республика-си Президенти сайловига тайёргар-ликнинг бориши ҳақидаги ахборот-лари ҳам эшитилди.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қил-ган оммавий ахборот воситалари ва-киллари аккредитациядан ўтказиш масаласини ҳам қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сайловга тай-ёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жа-раёнининг очиклиги ва ошқоралиги-ни таъминлаш, жамоатчиликни сай-лов кампаниясининг барча босқичла-ри ҳақида ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот восита-лари муҳим ўрин тутди. Шу вақтга қадар мамлакатимиз ва хорижий бос-ма ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси би-лан боғлиқ икки мингдан зиёд мате-риал эълон қилинган айтиб ўтилди.

Мажлисда Марказий сайлов ко-миссияси ваколатига тааллуқли бош-қа масалалар ҳам муҳокама этилди. Қўриб чиқилган масалалар юза-сидан Марказий сайлов комиссия-сининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

САЙЛОВ — 2016

■ 4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

«Ўзбекистоннинг сайлов тизими демократик талабларга тўла жавоб беради»

Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонасида республикада бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Малайзия ижтимоий-сиёсий ва илмий-таҳлил доираларининг таниқли намоёндалари, соҳага алоқадор муассасалар, йирик савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Урашув чоғида таъкидланганидек, 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловлари ошқоралик, очиқлик ва шаффофлик сингари демократик тамойиллар асосида ўтади.

Шунингдек, давра суҳбати қатнашчилари республикада миллий сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳиятини аҳолига, шу жумладан, ёшларга тушунтириш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани билан ҳам яқиндан таништирилди.

Тадбир интиҳосида унинг айрим иштирокчилари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига интервью бердилар.



RHA Sdn. Bhd. ноширлик уйининг асосчиси ва бош ижроочи директори
Рамчандран Раджандрен



«OIC Today» журнали ношири ва бош муҳаррири
Муҳаммад Раджа Талиб

Ўзбекистонда демократик талабларга тўла жавоб берадиган замонавий сайлов тизими яратилгани, мамлакат фуқароларининг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларини таъминлайдиган ҳамда халқаро сайлов меъёрлари ва тамойилларига мувофиқ келадиган самарали сайлов қонунчилигининг асоси шаклланигани қайд этилди.

Унинг фикрича, ҳозирги муҳим ва масъулиятли паллада мамлакат ҳукумати томонидан қўрилаётган

чора-тадбирлар ҳамда ўзбек халқининг бирдамлиги бўлажак Президент сайловлари сайловчиларнинг юқори фаоллигида, уюшқоқлик билан муваффақиятли ўтади, дея хулоса чиқаришга имкон беради.

Шунингдек, Р.Раджандрен Ўзбекистон ҳамда Малайзия ўртасидаги кўп йиллик ва самарали ҳамкорлик барча муҳим йўналишларда бундан кейин ҳам раванк топажга ишонч билдирди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида халқаро ва минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси туфайли мамлакатимиз дунё миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозонганини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, Ўзбекистоннинг 2016 йилда Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислик қилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шунингдек, нашр бош муҳаррирининг айтишича, мамлакатимизда аҳолини

миллий сайлов қонунчилиги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти билан яқиндан таништириш борасидаги ишлар самарали йўлга қўйилгани ҳам катта эътиборга молик жиҳатдир.

Муҳаммад Раджа Талиб республикада аҳолининг сайловларда кенг иштирок этишлари ҳамда улар ўзларининг сайлов ҳуқуқини амалга оширишлари учун барча зарур ҳуқуқий асослар яратилганини эътироф этди.

«Жаҳон» АА,
Қуала-Лумпур.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорига асосан танлов савдолари ташкил этилиши асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг танлов натижалари тўғрисида
Ахборот

Бухоро вилоят филиалида:
Пешку тумани:

1. «Алишер Навоий» ҚФЙ, Қалъайи-Миршкор аҳоли пунктида 100,0 кв.м. ер майдонида 1-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич нархи — 54 660 сўм, сотилиш нархи — 450 000 сўм.

2. «Алишер Навоий» ҚФЙ, Қалъайи-Миршкор аҳоли пунктида 100,0 кв.м. ер майдонида 2-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич нархи — 54 660 сўм, сотилиш нархи — 2 500 000 сўм.

Шофиркон тумани:

1. «Тезгузар» ҚФЙ, Полновобод қишлоғи ҳудудида 1000,0 кв.м. ер майдонида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва автоэҳтиёт қисмлар савдо дўкони биноси қуриш учун, бошланғич нархи — 547 000 сўм, сотилиш нархи — 800 000 сўм.

2. «Жайработ» ҚФЙ, Маҳаллақози қишлоғида 119,0 кв.м. ер майдонида маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич нархи — 65 093, сотилиш нархи — 600 000 сўм.

3. «Жайработ» ҚФЙ, Маҳаллақози қишлоғида 143,7 кв.м. ер майдонида 1-маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, бошланғич нархи — 78 604 сўм, сотилиш нархи — 500 000 сўм.

Олот тумани:

1. «Талкон-саёт» ҚФЙ, «Арабхона» МФЙ ҳудудида 1600,0 кв.м. ер майдонида сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун, бошланғич нархи — 1 005 834 сўм, сотилиш нархи — 1 500 000 сўм.

2. «Чорбоғ» ҚФЙ, «Усмонхай» МФЙ ҳудудида 1000,0 кв.м. ер майдонида замонавий парранда-чилик бинолари қуриш учун, бошланғич нархи — 628 646 сўм, сотилиш нархи — 630 000 сўм.

Коровулбозор тумани:

1. «Чўлқувар» МФЙ, Раҳимов кўчаси ҳудудида 200,0 кв.метрли савдо дўкони ва умумий овқатланиш дўкони биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 167 260 сўм, сотилиш нархи — 500 000 сўм.

Ромитан тумани бўйича:

1. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 188,0 кв.метрли 1-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 185 706 сўм, сотилиш нархи — 3 100 000 сўм.

2. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 188,0 кв.метрли 2-савдо ва маиший хизмат

кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 185 706 сўм, сотилиш нархи — 3 200 000 сўм.

3. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 188,0 кв.метрли 3-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 185 706 сўм, сотилиш нархи — 7 350 000 сўм.

4. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 188,0 кв.метрли 4-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 185 706 сўм, сотилиш нархи — 3 000 000 сўм.

5. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 188,0 кв.метрли 5-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 185 706 сўм, сотилиш нархи — 7 200 000 сўм.

6. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 188,0 кв.метрли 6-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 185 706 сўм, сотилиш нархи — 4 600 000 сўм.

7. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 188,0 кв.метрли 7-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 185 706 сўм, сотилиш нархи — 26 000 000 сўм.

8. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 266,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 262 755 сўм, сотилиш нархи — 8 100 000 сўм.

9. Ромитан шаҳар, «Афросиёб» МФЙ, Айланма йўл бўйида 214,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда иккинчи қаватида уй-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 211 390 сўм, сотилиш нархи — 5 600 000 сўм.

10. Ромитан шаҳар, «Алишер Навоий» МФЙ, Зарафшон кўчасида 460,0 кв.метрли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 315 100 сўм, сотилиш нархи — 3 300 000 сўм.

11. Ромитан шаҳар, «Алишер Навоий» МФЙ, Зарафшон кўчасида жойлашган 940,0 кв.метрли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 643 900 сўм,

сотилиш нархи — 6 500 000 сўм.

12. Ромитан шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган 900,0 кв.метрли 1-сонли, 3 қаватли, кўп хонали уй-жойлар қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 889 020 сўм, сотилиш нархи — 3 200 000 сўм.

13. Ромитан шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган 900,0 кв.метрли 2-сонли, 3 қаватли, кўп хонали уй-жойлар қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 889 020 сўм, сотилиш нархи — 2 500 000 сўм.

14. Ромитан шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган 900,0 кв.метрли 3-сонли 3 қаватли, кўп хонали уй-жойлар қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 889 020 сўм, сотилиш нархи — 4100 000 сўм.

15. Ромитан шаҳар, Фафур Гулом кўчасида 520,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда 2-қаватида турар-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 513 656 сўм, сотилиш нархи — 700 000 сўм.

16. Газли шаҳар ҳудудида майдони 196,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 163 934 сўм, сотилиш нархи — 2 222 000 сўм.

17. Газли шаҳар ҳудудида майдони 2160,0 кв.метрли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 1 806 624 сўм, сотилиш нархи — 1 810 000 сўм.

18. Газли шаҳар ҳудудида майдони 886,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 741 050 сўм, сотилиш нархи — 1 060 000 сўм.

19. Газли шаҳар ҳудудида майдони 754,0 кв.метрли офис ва ишчи хизматчилар учун турар-жой биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 630 646 сўм, сотилиш нархи — 631 000 сўм.

20. «Боғча» МФЙ, Боғча аҳоли пунктида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 154,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 96 804 сўм, сотилиш нархи — 11 000 000 сўм.

21. «Боғча» МФЙ, Боғча аҳоли пунктида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 134,0 кв.метрли дорихона биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 84 232 сўм, сотилиш нархи — 11 000 000 сўм.

22. «Боғча» МФЙ, Боғча аҳоли пунктида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 180,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 113 148 сўм, сотилиш нархи — 1 800 000 сўм.

23. «Боғча» МФЙ, Боғча аҳоли пунктида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 146,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 91 776 сўм, сотилиш нархи — 1 500 000 сўм.

24. «Боғча» МФЙ, Гараншоҳ аҳоли пунктида 76,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 91 776 сўм, сотилиш нархи — 1 500 000 сўм.

25. «Тарнаут» МФЙ, Назаробод аҳоли пунктида 2400,0 кв.метрли сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 1 508 640 сўм, сотилиш нархи — 12 000 000 сўм.

26. «Тарнаут» МФЙ, Назаробод аҳоли пунктида 260,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 163 436 сўм, сотилиш нархи — 6 200 000 сўм.

27. «Атторон» МФЙ, Боғишамол аҳоли пунктида 300,0 кв.метрли 1-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 188 580 сўм, сотилиш нархи — 300 000 сўм.

28. «Атторон» МФЙ, Боғишамол аҳоли пунктида 300,0 кв.метрли 2-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 188 580 сўм, сотилиш нархи — 300 000 сўм.

29. «Қалайчорбоғ» МФЙ, Қалайчорбоғ аҳоли пунктида 175,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 110 005 сўм, сотилиш нархи — 600 000 сўм.

30. «Қахрамон» МФЙ, Сиёкон аҳоли пунктида 186,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 116 920 сўм, сотилиш нархи — 1 100 000 сўм.

31. «Қахрамон» МФЙ, Сиёкон аҳоли пунктида 276,0 кв.метрли умумий овқатланиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 173 494 сўм, сотилиш нархи — 3 889 000 сўм.

32. «Чандир» МФЙ, Хасанобод аҳоли пунктида 2016 йилда

намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 182,0 кв.метрли савдо дўкони биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 99 499 сўм, сотилиш нархи — 5 700 000 сўм.

33. «Чандир» МФЙ, Хасанобод аҳоли пунктида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 360,0 кв.метрли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун ер майдони бошланғич нархи — 196 812 сўм, сотилиш нархи — 15 150 000 сўм.

34. «Чандир» МФЙ, Хасанобод аҳоли пунктида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 124,0 кв.метрли савдо дўкони биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 67 791 сўм, сотилиш нархи — 1 340 000 сўм.

35. «Чандир» МФЙ, Хасанобод аҳоли пунктида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар ҳудудида 184,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 100 593 сўм, сотилиш нархи — 1 300 000 сўм.

36. «Қумработ» МФЙ, Убасарой аҳоли пункти ҳудудида 264,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 144 329 сўм, сотилиш нархи — 700 000 сўм.

37. «Қумработ» МФЙ, Убасарой аҳоли пункти ҳудудида 348,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 190 252 сўм, сотилиш нархи — 1 000 000 сўм.

38. «Қумработ» МФЙ, Убасарой аҳоли пункти ҳудудида 264,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 144 329 сўм, сотилиш нархи — 800 000 сўм.

39. «Шўрча» МФЙ, Кокиштувон аҳоли пунктида 135,0 кв.метрли кафетерий биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 73 804 сўм, сотилиш нархи — 1 000 000 сўм.

40. «Шўрча» МФЙ, Кокиштувон аҳоли пунктида 264,0 кв.метрли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони, бошланғич нархи — 144 329 сўм, сотилиш нархи — 4 300 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁҲИНДИСТОН
ИҚЛИМ
БЎЙИЧА
БИТИМНИ
РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ


Хиндистон иқлим бўйича Париж битимини расман ратификация қилди, деб ёзади ТАСС ахборот агентлиги.

Ушбу ҳужжатни 2 октябр, яъни хинд миллий озодлик ҳаракати етакчиси Махатма Гандининг туғилган кунини ратификация қилиниши ҳақида мамлакат бош вазири Нарендра Моди аввалроқ маълум қилган эди.

БМТ бош қотиби Пан Ги Мун Хиндистонни битимга қўшилгани билан табриклади.

Ушбу битимга 62 мамлакат қўшилган бўлиб, атмосферага чиқарилаётган зарарли газларнинг 52 фоизи уларнинг улушига тўғри келади.

Иқлим бўйича Париж битими 2015 йилнинг охирида Франция пойтахтида глобал иқлим ўзгариши муаммоларига бағишлаб ўтказилган БМТ анжумани якунларига қўра қабул қилинган.

ЙЎЛЛАРИНИНГ
СИФАТИбўйича жаҳон
мамлакатлари
рейтинги эълон
қилинди

Бутунжаҳон иқтисодий форуми (WEF)нинг Глобал рақобатбардорлиқ кўрсаткичига оид ҳисоботида дунё мамлакатларидаги автомобиль йўллари ҳолати бўйича рейтинг киритилган.

jew.ru сайтининг ёзишича, жаҳоннинг энг яхши автомобиль йўллари сифатида БАА йўллари эътироф этилган. Ундан сўнг Сингапур, Гонгконг, Нидерландия, Япония, Франция, Швейцария, Австрия ва Дания давлатлари келди.

Рўйхатдаги мамлакатлар орасида энг ёмон йўللар Украина, Парагвай, Конго ва Мадагаскарда экан.

КОЛИМА
ВУЛҚОНИ
ҳаракатга келди

Мексикадаги Колима вулкони ҳаракатга келгани сабабли унинг яқинидаги бир неча аҳоли пунктларида истиқомат қилаётганларни эвакуация қилишга тўғри келди. Бу ҳақда Интерфакс ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Мамлакат фарбида, Колима ва Халиско штатлари чегарасида жойлашган вулкон отилиши 30 сентябрь, жума куни бўлди. У Мексикадаги энг фаол вулконлардан бири ҳисобланади.

ХУКУҚИЙ ИСЛОХОТ

СПОРТ

Яна олти турдан сўнг

футбол бўйича олий лига
жамоалари мавсумни
якунлайди



Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лига жамоалари йиғирма туртинчи тур учрашувлари ни ўтказди.

Турнинг марказий ўйини Тошкентда «Пахтакор» — «Локомотив» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда пахтакорчилар чемпионат пешқадами устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Шиддатли кечган баҳсда Жалолиддин Машарипов «дубл» қайд этган бўлса, жавоб турини темирўлчилардан Санжар Шояхметов киритди.

Яна бир қизиқарли учрашув Тошкентда «Обод» — «Нефчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Гарчи, унда фарғоналиклар биринчи бўлиб ҳисобни очган бўлса-да, иродали ўйин кўрсатган пойтахтликлар сўнгги дақиқаларда икки тўп киритиб, муҳим уч очкони қўлга киритишди — 2:1.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Бухоро» — «Бунёдкор» — 0:0, «Насаф» — «Металлург» — 3:0, «Андижон» — «Қизилқум» — 1:2, «Олмалик» — «Сўғдиёна» — 0:1, «Қўқон-1912» — «Навбахор» — 1:1, «Шўртан» — «Машъал» — 1:0.

Учта бронза

Россиянинг Владимир шахрида юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида анъанавий йирик халқаро турнир якунланди.

Дунёнинг йиғирмага яқин мамлакатидан қариб 10 юз нафар спортчи қатнашган мусобақада ёш полвонларимиз учта бронза медални билан тақдирланди.

Беллашувларда муносиб иштирок этган умидли курашчиларимиз Илхом Бахромов (55 кг), Жалғас Бердимуратов (74 кг) ҳамда Эрмат Шерматов (84 кг)лар шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олдилар.

«Тошкент опен» кашфиётлари

Пойтахтимизда аёллар ўртасида теннис бўйича ўн саккизинчи мартаба ўтказилган «Тошкент опен» халқаро турнири низоҳасига етди.

Мусобақанинг яқаллик баҳслари финалда Кристина Плишкова (Чехия) — Нао Хибино (Япония) ўзаро куч синашди. Унда омад чехиялик ракеткачи қулиб омади — 6/3, 2/6, 6/3.

Жуфтлик учрашувлари финали ҳам муқимларда катта қизиқиш уйғотди. Хал қилувчи баҳсда Ралука Олару (Руминия)/Ипек Соёлу (Туркия) — Деми Шуурс (Голландия)/Рената Ворочова (Чехия)лар «дуэти» қорғат чикди — 7/5, 6/3.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Истиқлол йилларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

«Хабеас корпус» институти — шахс дахлсизлигининг кафолати

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Хабеас корпус» институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда Олий суд судьялари, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Истиқлол йилларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида улкан ишлар қилинди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов раиси вазифасини бажарувчи Олим Хайитов. — Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилинган, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ҳимоясини таъминламоқда. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойиллари га мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тартибига жазо тури чиқариб ташланганлиги ҳам принципал аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг амалдаги

мустақиллигига эришиш борасида кенг қамровли ишловлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси Бош қомусимизда белгиланган ҳаётий тамойилларнинг рўйбга чиқишига хизмат қилади.

Маълумки, жиноий таъқибга учраган фуқаронинг адолатли суд муокамасига бўлган ҳуқуқи «Хабеас Корпус» деб номланади. Бу атама 1679 йил 26 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун — «Хабеас Корпус Акти» атамасидан олинган.

Таъкидлаш жоизки, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ахиримига асосан амалга оширилмайдиган бўлди.

Ўз навбатида, Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Судга қадар иш



юритиш босқичида қамоққа олиш тартибига эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарори бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш керакки, 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Суд-ҳуқуқ тизими янада ислох қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ,

судга қадар иш юритиш босқичида айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага

жойлаштириш тартибига процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, 2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан Жиноят процессуал кодексига уй қамоғи тартибига янги эҳтиёт чораси жорий қилинди.

Ушбу қонунга мувофиқ, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тартибига эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар

мавжуд бўлганида унинг ёши, соғлиғи, оилавий аҳоли ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ, деб топилган тақдирда қўлланилади.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, қамоққа олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи судлар ваколатига ўтказилган вақтдан буён киритилган илтимосномаларнинг 710 таси судлар томонидан рад этилган. Айтиш жоизки, қамоққа олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича судларга келиб тушаётган илтимосномалар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу эса суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ўларок, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тобора юқсалиб бораётганидан далолатдир.

Матбуот анжуманида журналистларнинг мамлакатимизда судларнинг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловни амалга ошириш масалаларига оид саволларига жавоб берилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

V Осиё соҳил ўйинларида

Вьетнамнинг Да Нанг шаҳри қитъа миқёсидаги йирик мусобақа — V Осиё соҳил ўйинларига мезбонлик қилди. Унда қирқдан зиёд мамлакатдан икки мингдан ортиқ спортчи 22 спорт тури бўйича ғолиблик учун ўзаро куч синашди. Осиё соҳил ўйинларида ҳамюртларимиз футбол, кураш, муайтай ва самбо бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.



Қувонарлиси, мусобақа дастуридан жой олган кураш беллашувларида ҳамюртларимиз икки олтин ва бир кумуш медалга сазовор бўлди. Жумладан, эркаклар ўртасида Миржон Тўхтаев (66 кг) ҳиндистонлик Қунал Сежал, Хитой-Тайпейи вакили Хао-Ченг Чанг ва эронлик Гхамбарали Гхамбарийни маглубиятга учратиб, олтин медал билан тақдирланди.

Яна бир полвонимиз Сўхроб Худойбердиев (73 кг), суриялик Мунзир Жарида, вьетнамлик Конг Нгуен Тан, филиппинлик Ллойд Деннис Катипон ва туркманистонлик Нурағди Желбаровни енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ҳамюртимиз Муҳаммадали Шамсиддинов (81 кг) эса терма жамоамиз жағфармасига кумуш медал тақдим этди.

Осиё ўйинларининг самбо беллашувларида ҳам вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Илхомжон Йўлдошев (93 кг) финалда қозғистонлик Алибек Эзеновни енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, самбочиларимиздан Маликабону Мирзаева (56 кг), Санемойим Эркинбоева (+72 кг), Истам Қудратов (74 кг)лар шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ магистри.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	Г
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+22/+14	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+25/+13	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+25/+13	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+27/+14	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+22/+13	
Тошкент шаҳри	+16/+8	
«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Шоакмал Муратовга воллдан муҳтарамаси Зумрадхон МУРАТОВанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.		